

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ, ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ ОШИРИНГ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 212 (4203). | ШАНБА 25 октябрь, 1969 йил, | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ЗВЕНОЛАР МАРРАГА ЕТДИ

ТҒИТЕПА (телефон орқали олинди). Ўрта Чирчиқ районидagi Терешкова номи колхозда теримни жадаллаштириш учун барча куч ва резервларнига солинибди. Бундан самарали фойдаланаётган пешқадмлар довои охиб, маррага етмоқдалар.

Колхоздаги илғор звенолардан учтаси плани бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топиришга киришди. Илдош Умрзоқов, Ҳакимхўжа Сандхўжаев, Янаш Тўйчиев ўр-тоқлар раҳбарлиқ қилаётган звенолар ҳар гектар ердан 24 центнердан охириб пахта топ-

ширдилар. Ўртоқ Сандхўжаев раҳбарлик қилган звенонинг 38 гектар ердаги ҳосилининг ҳаммаси «зангори кема» лар ёрдами билан йиғиштириб олинди.

Райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг ўртоқ Илдош Эргашев бошлиқ звено аъзолари ҳам ғалаба рапорти беришди. Бу ерда гектардан 26 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Тоширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Звено деҳқонлари мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топишартилар.

ЎЛМАС АНОРБОВЕВА — Янгийўл районидagi Фрунзе номи колхозининг участка бошлиғи. У ўз терим агрегати билан масумда 100 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган. Шу кунгача 65 тоннадан кўпроқ дурдонани хирмонга тўкишга муваффақ бўлди.

ЖҲРА АНОРБОВЕВ — Янгийўл районидagi Фрунзе номи колхозининг комплекс-механизациялашган звеносининг бошлиғи. У ўз терим агрегати бункери-дан шу кунгача 70 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди.



Холдор ТҒИЧИЕВ — Ўрта Чирчиқ районидagi Карл Маркс номи колхозининг механик-ҳайдовчиси. У шу кунгача «зангори кема» бункеридан 94 тоннадан кўпроқ пахта тўкишга эришди.

Раҳмон АБДУЛЛАЕВ — Ўрта Чирчиқ районидagi Калинин номи колхозининг механик-ҳайдовчиси. У шу кунгача қадар 84 тоннадан кўпроқ пахта терди.

Озод АҚБАРОВ — Ўрта Чирчиқ районидagi Калинин номи колхозининг механик-ҳайдовчиси. У ўз терим агрегати бункеридан шу кунгача 81 тонна «оқ олтин» тўкди.

Халил АБЖАЛОВ — Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси. У шу кунгача хирмонга 60 тоннадан кўпроқ пахта тўкди.

ЮБИЛЕЙ МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

Чирчиқ кимёгарлари дохили-миз В. И. Ленин туғилган кунининг шониди 100 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун курашиб, аjoyиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар беш йилликнинг тўртинчи йили планга қўшимча равишда бир неча минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Яқинда бу мажбурият тўла-тўқис адо этилди. Ҳозир планга қўшимча равишда тайёрланаётган экинлар «дармонли» колхоз ва совхозларга томон йўл оляпти.


Шаҳардаги бошқа корхоналар ҳам электрохимия комбинати коллективи каби юбилей мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Пойафзал фабрикаси коллективи йил бошида пландан ташқари 50 минг жуфт

пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Шу кунгача қарийб 49 минг жуфт пойафзал планга қўшимча равишда тайёрланди. Яқин кунлар ичида мажбурият тўла-тўқис адо этилади.

Шуни қувончлики, шаҳар саноатчилари план ва мажбуриятларни тўла-тўқис адо этиш билан бир қаторда тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор беришартилар. Бу соҳада қаттиқ қўшимчалар ва иссиқлик чиқариш металл комбинати коллективи эришган ютуқларни барчага намуна қилиб кўрсатса арзийди. Комбинат ахли тўққиз ой мобайнида материал ва хом ашёларини тежаб-тергаб сарфлаб 115 минг сўмлик фойда кўрди.

4 МИЛЛИОН 100 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН ЖАНГУ ЖАДАЛНИНГ ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ, ЭНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАНИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШДА

АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШ, ДАЛАЛАРДА МЕХНАТ ҒАЙРАТИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДАГИ ЧАҚИРИҚ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛАДИЛАР. ВАЗИФА ШУНДАН ИБОРАТКИ, ҲОСИЛНИ ОХИРГИ КЎСАГИГАЧА ҚИСКА МУДДАТДА ТЕРИБ ОЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИШ КЕРАК.



ОРИФ ЖУМАЕВ бошлиқ звено пахтакорлари бу йил гектар бошига олтинадан ҳосилдорлиқни 30 центнерга кўтариш учун ёз бўйи тер тўкиб меҳнат қилдилар. Майдонларда етиштирилган ҳосил уларнинг албатта ўз сўзлари устидан чиқишларидан далолат бериб турибди.

Йиғим-терим ишлари қизгин давом этаётган шу кеча-кундузда звено коллектив ҳосилни қисқа муддатда йиғиб олиш ва давлатга топириш учун бутун чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Звено бошлиғи Ориф Жумаевнинг ўзи эса ҳар кун «зангори кема» бункеридан 3—4 тоннадан пахта тўкмоқда. Суратларда: (чапда) пешқадм механизатор О. Жумаев, (ёнгда) звено даласида машина терими пайти.

В. Литвинов фотоси.

ЯНГИЙЎЛ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР.

Айни шу кунларда Янгийўл районидagi Охунбобоев номи колхозда пахта йиғим-терими жадал суръатда олиб бориноқда. Бу соҳада колхознинг кўпмингкилограммчи теримчиларининг улуши катта бўляпти. Теримчилардан Фарид Норқўзиёва, Солиа Бўрғонбаева, Муаззам Нуриддинова, Рўзихон Назаровалар кунига 90—120 килограммдан охириб «оқ олтин» териб катта ҳисса қўшаётирлар. Колхозда машина терими ҳам давом этмоқда. 53 «зангори кема» хирмонга барака киритмоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватанга 5500 тонна «оқ олтин» сотиб областимизнинг 356 минг тонналик хирмонига ўз ҳиссалини қўшиш ниятидами, — дейишдади колхоз аъзолари.

О. ХУДОЕРОВ.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАР

Янгийўл районидagi Ҳамроқул Турсунқулов номи колхоз пахтакорлари бу йил пахта йиғим-теримига утган йиллардагидан анча кеңроқ киришган бўлсалар ҳам, уин зўр ютуққилин бўлган давом эттирмоқдалар.

Колхознинг Маматқуллов Камолот бошлиқ бригада аъзолари, айниқса, пешқадмчи қилаётирлар. Бригадининг азамат пахтакорлари бир ҳафтада йиллик планининг 15 проценти миқдорда пахта сотишди.

Теримчилардан Солиа Аққарова, Замира Аббасова, Омина Хусанбобоева, Илдошбў Абдулқасимов, Манзура Аббасова каби теримчилар ҳар кунги бригада хирмонига қоп-қоп «оқ олтин» топишартилар.

Турсунбой Токибоев терилган пахталарни бир ўзи бригада хирмонига куриб бераётир. Абдусалом Установ билан Хусанбой Холматовлар тайёр пахталарини пешма-пеш пахта пунктига етказиб боришмоқда.

М. ЛАТИНОВ.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПИРАМИЗ

Хўжалигимизнинг ташкил этилганга ҳали бир йил тўлагича йўқ. Мана шу қисқа муддат ичида аячагина ишлар амалга оширилди. Янги ерлар очилди, бу майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш тадбирлари қўрилди.

Биринчи ҳисолимиз мўлжалдан ҳам юқори бўлди. Деҳқонларимиз райондагига эмас, областда бизинчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликларни ҳақида ғалаба рапорти берган эдилар. Бугунги кунда совхозимиздаги барча бригада ва звенолар мажбурият ҳис-

собига «оқ олтин» топишмоқдалар.

Шу жумладан, бизнинг бригада деҳқонлари ҳам йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли адо этиб, эзмаларига олган қўшимча мажбуриятини ҳам тез кун ичида ўриштириш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 15 центнердан ортиқ ҳосил олди. Жами давлатга пландаги 151 тонна ўрнига 170 тоннадан ортиқ пахта топишди.

Йиғим-теримни жадал давом эттириётган деҳқонларимиз яна эл хирмонига 150 тонна пахта

тўкиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун бизда етарли шариот мавжуд. Далаларимизда ҳосил мўл. Яна қаида ҳар гектар ердан 12 центнердан охириб пахта йиғиб оламиз.

Ғафур Қаримов ва Ражаб Рустамовлар бошлиқ илғор звенолар пахта йиғим-теримини тез суръатлар билан давом эттирмоқдалар. Улар ўзларига қарашли майдонлардан ҳозиргача 15 центнердан охириб ҳосил кўтардилар. Звено аъзолари яна эл хирмонига 10 центнердан пахта тўкиш учун терим суръатини кучайтирмоқдалар. Звено

бошлиқларининг ўзи эса шу кеча-кундузгача 100 тоннадан охириб пахта териб беришди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида зўр ғайрат кўрсатаётган деҳқонларимиз ва механизаторларимиз, албатта ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Бу йил гектар бошига олтинадан ҳосилни планда белгиланган 12 центнер ўрнига қаида 25 центнерга етказамиз.

М. ҲАМДАМОВ, Бекобод районидagi «Ленинград» совхозининг бригада бошлиғи.

ВАҚТИДИР, ТЕЗРОҚ ТЕРИНГ

Пахтаимиз қийос очилган вақтидир, тезроқ теринг. Пахта элининг бойлиғи, чин бахтидир, тезроқ теринг. Пахта дилларга сурур, қўзларга нур, тезроқ теринг. Хўр Ватанга пахта олтидай зарур, тезроқ теринг. Халқимизнинг ифтихори пахтадир, тезроқ теринг. Пахта давлат қудратига куч қўшар, қудрат қўшар. Пахта юрт шонига шон, шўҳратига шўҳрат қўшар. Қаҳрамон халқим терим суръатига суръат қўшар. Пахта ўзбек халқига миллий гурур, тезроқ теринг. Элу-юртининг обрўини пахтадир, тезроқ теринг. Мардлар мардоналик бирла маҳорат кўрсатинг, Сиз машина қудратига бирла каромат кўрсатинг. Шоймардон Қудрат ўғлидек жасорат кўрсатинг, Пахта тақдирини машина ҳал қилур, тезроқ теринг. Бахтиимиз, кўз нуримиз оқ пахтадир, тезроқ теринг. Долзарб кунлар кўмак бермак бу, мардларнинг иши. Мардликни кўрсатур майдонда виждонлик киши. Бу курашда ўлчанур ҳар бир кишининг қилмиши. Чин садоқат ҳам теримда ўлчанур, тезроқ теринг. Ору-номус, шону-шўҳрат пахтадир, тезроқ теринг.

КАМГАР.

ДОН ЭКИБ БЎЛИНДИ

БЎСТОНЛИҚ. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Райондаги илғор Фрунзе номи колхоз ғаллакорлари юбилей йилида самарали меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Тоғлиқ баҳорикор ерларнинг ҳар гектаридан 8 центнердан ҳосил олдилар. Давлатга ғалла топириш 180 процент қилиб адо этилди. 450 ўрнига 782 тонна дон сотилди.

Ғаллакорлар эришилган бу ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаб техникадан самарали фойдаланиб, кузги дон экин планини ҳам охириб бажардилар. 1200 гектар ерга барака уруғи ташланди.

ПАХТАЗОРЛАРДА баракали меҳнат қилаётган деҳқонларнинг ғайрат-шиқвати туфайли пахта хирмонлари тобора кўна буй чўзимонда. Ҳар кун эл хирмонига кўлаб «оқ олтин» тўкмоқда.

Г. Пун фотоси, (ЎТАП).

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
24 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — масвум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — масвум бошидан буён машинада терилгани.

Оққурғон	1,06	69,59	0,42	61,83
Янгийўл	1,37	87,12	0,73	40,35
Ўрта Чирчиқ	0,77	55,15	0,37	39,31
Юқори Чирчиқ	1,39	51,91	1,57	54,52
Оржоникидзе	1,30	51,43	0,70	40,70
Бекобод	1,14	43,03	0,27	18,38
Бўжа	0,63	42,98	0,18	27,65
Область бўйича	1,01	55,83	0,43	40,51

тонна уғун

ҲОСИЛДОРЛИКНИ 35 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗАМИЗ

Сотволди Қўшматов, Қўқор Мусабоев, Жамол Низоовлар бошлиқ звено аъзолари, Турдали Минглибоев, Валентин Ким бошлиқ бригада аъзолари ўзлари етиштирган ҳосилни жадал йиғиб олишда бошқаларга ўрнак бўляптилар.

Ҳаво очик кунлари пахтазорларда 38 та «зангори кема» ишляпти. Ҳозиргача бу машиналар билан 1000 тоннадан кўпроқ пахта терилди. Қўқор Мусабоев, Эргаш Илдошев, Турғунбой Рисқулов, Абдусамат Чўтабоев сингари механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 40—

50 тоннадан пахта териб хирмонга тўқидилар. Биз ҳам ўз звеномида етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ териб, маррага эртароқ етиш иштиёқида астойдил ҳаракат қилаёлимиз. Звеномида ҳар гектар ердан қаида 35 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини аниқ кўриб турибди. Ҳозир планини тўқдириш, ҳосилдорлиқни 35 центнерга етказиш учун кураш қизгин кеталяпти.

Абдусамат ЖУТАБОВЕВ, Ўрта Чирчиқ районидagi Куйибоев номи колхоз звено бошлиғи.



P. 03479